
Муаммолар ечим топмоқда

Олтиариқ тумани ҳокими Шамсиддин Турдалиев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олтиариқ туманидаги Халқ қабулхонасида навбатдаги қабулини ўтказди. Унда 108-Олтиариқ сайлов округидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Баҳром Раҳмоналиев ҳам иштирок этди. Қабулда фуқаролар тадбиркорлик, уй жой билан таъминлаш, моддий ёрдам кўрсатиш, оилавий муаммолар, коммунал соҳаларга оид 70 га яқин масалалар билан туман ҳокимига мурожаат қилдилар. Туман ҳокими барча мурожаатлар юзасидан тумандаги тегишли соҳа раҳбарларига муаммоларни ўрганиб, қонуний ва ижобий ҳал қилинишини таъминлаш бўйича топшириқ берди. Ҳар бир мурожаат назоратга олди.

2022-03-25 18:39:18